

**БОЛАЛАРДА ИККИ ТОМОНЛАМА НЕФРОЛИТИАЗНИ
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШГА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР****Х.А.Одилов***Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти
Физиология кафедраси ассистенти.*

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон сийдик тош касаллиги учун эндемик ўчоғ булган давлатлардан бири ҳисобланади. Охирги йиллардаги болаларда сийдик тош хасталигига бағишланган адабиётлардаги маълумотларга кўра болалар урологик бўлимларидаги беморларнинг 30-40% ини шу касаллик билан ётиб даволанган бемор болалар ташкил қилади. Шунга қарамай, бу касаллик болалар ўртасида кам ўрганилган. Шунинг учун бу касаллик билан касалланган бемор болаларда унинг ўзига хос клиник кечишини ва хирургик даволашнинг ўзига хослигини эндемик ўчоқ шароитида ўрганиш тиббиёт амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Болаларда икки томонлама нефролитиазни даволашга бағишланган кейинги йиллардаги айрим ишлар кўп муаммоларни ҳал қилмаган, ҳозиргача бу муаммолар баҳс мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида болаларда бу касалликни кўп ва оғир асоратлар билан кечишига боғлиқдир: яъни калкулёз пиелонефрит, калкулёз гидронефроз ва уларнинг асорати сифатида сурункали буйрак етишмовчилиги ҳамда камқонликдир. Кўрсатилган фактлар шуни англатадики, болаларда икки тамонлама нефролитиазда ҳар бир индивидуал ҳолларда энг мақсадга мувофиқ хирургик тактикани танлашни тақозо қилади. Ҳозирги давргача болаларда бу касалликни тўла тузалиб кетишини таъминловчи консерватив даво усуллари йўқ. Кейинги йилларда ишлаб чиқилган, катталар урологик клиникаларида кенг тарқалган электрофизик, ултратовуш, лазер ва тери орқали парчалаш, эндоурологик муолажалар ҳамда тошларни эритувчи препаратларни узоқ даврда қўллаш бола организмнинг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда болалар клиникаларида кенг тарқалмаган. Шунинг учун бу хасталик билан хасталанган бемор болаларни даволашда асосий даво хирургик усул бўлиб қолмоқда. Тошларнинг буйракларда жойлашган жойига, ўлчамларига, сонига, асоратларининг тури ва оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда операциянинг турларини, кетма-кетлигини аниқлашнинг аниқ критерийлари йук. Шунинг учун болаларда икки тамонлама нефролитиазни даволашда энг рационал хирургик тактикани ишлаб чиқиш зарурати туғилади.

Изланишнинг объекти. Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг урология бўлимида кейинги 3 йил давомида болаларда икки томонлама нефролитиаз ташхиси билан ётиб даволанган 40та бемор болаларни текшириш натижаларига асосланган.

Хулоса. Икки томонлама нефролитиазни болаларда кўпинча оғир шаклда учрайди, яъни косача ва жомчаларда кўп тошлар билан (75%), коралсимон тошлар

билан (58%) ҳамда сийдик йўлларида кўп жойларда жойлашган тошлар билан (32.3%). Болаларда икки томонлама нефролитиаз нинг энг кўп учрайдиган ва энг оғир асоратлари куидагича: калкулёз пиелонефрит (100%), калкулёз гидронефроз (83.3%), сурункали буйрак етишмовчилиги (62.1%), анемия (37%). Икки томонлама нефролитиазни оператив даволаганда дастлабки операциянинг этаплигини, усулини, ҳажмини ва томонини, тошнинг характерини, локализациясини, жомчанинг тузилишини, асоратларнинг борлигини ва уларнинг оғирлик даражасини аниқлаб, индивидуал танлаш керак. Болаларда икки томонлама нефролитиазнинг қуйидаги ҳолларда бир этапли операция ўтказиш керак: жомча ёки косачаларда жойлашган бир ёки кўпгина тошлар, битта ёки иккала буйракнинг биринчи босқичли коралсимон тошлари. Нефролитотомия ва пиелолитотомия вақтида клиникада ишлаб чиқилган буйракдан қон кетишни вақтинча тўхтатишни ва тошларни пастки сийдик йўллариға миграциясини олдини олиш усули, буйрак оёқчасини томирларини узилиб кетишини олдини олади ҳамда майда тошларни пастки сийдик йўллариға тушиб қолиш хавфини бартараф қилади.

Амалий тавсиялар: Болаларда сийдик тош касаллиги, шу жумладан кки томонлама нефролитиазни эрта ташхислаш учун поликлиника шароитида даврий равишда 1 ёшдан катта барча болаларда сийдик чиқарув тизими аъзоларини ултратовуш текширувини ўтказиш лозим. Икки томонлама нефролитиаз билан хасталанган бемор болаларда ҳамма тошлар уларнинг шакли ва ўлчамлари ўзи чиқиб кетишиға йўл қўймаса, уларни касалликнинг эрта даврларида оператив усул билан олиб ташлаш керак.

Беморларни қуйидаги ҳолларда режали равишда операция қилиш керак: II ва III босқичли коралсимон тошларда, барча жомча ва косачаларда жойлашган кўп сонли тошларда, мураккаб коррекцияловчи пластик операцияларни талаб қилувчи юқори сийдик йўлларини аномалияларида, калкулёз гидронефроз ни 3-4-босқичида. “соқов буйрак” бўлганда, сурункали буйрак етишмовчилигининг кечки босқичларида, анемиянинг 3-даражасида. Бошқа ҳолларда эса қарши кўрсатмалар бўлмаганда тошларни икки томондан бир вақтда олиб ташлаш керак.

Этапли операциялар қарши кўрсатмалар бўлмаганда, беморни стационардан чиқармасдан операциялар оралиғи 10-15 кун ўтказиб қилиниши лозим. Агар операциядан кейинги даврда асоратлар бўлса, беморни вақтинчалик 2-3 ойға уйға чиқариб сўнг кейинги этап бажарилиши керак.

Нефролитотомия ва пиелолитотомия қилиш вақтида қон кетиш ҳажмини камайтириш ва майда тошларни буйракдан пастки сийдик йўллариға тушиб қолишини олдини олиш мақсадида клиникада ишлаб чиқилган буйрак оёқчасиға турникет қўйиш усулини қўллаш керак.

Икки томонлама нефролитиаз билан операция қилинган барча болалар диспансер кузатувида туриши керак. Бунда операциядан кейинги диспансеризациянинг ҳажми ва давомийлиги, метафилактик чораларни қўллаш,

буйракларни операциягача бўлган анатомио-морфологик ва функционал ҳолатига, ривожланган асоратларига боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ибрагимов Ж.Х. Сравнительный анализ результатов лапароскопических и традиционных методов хирургического адгезиолиза при спаечной кишечной непроходимости у детей //ИНТЕРНАУКА. 2021. № 46. С. 52.

2. Khakimov, M. (2019). Surgical techniques improvement in diastasis recti elimination. The materials of the republican scientific conference «Mini-invasive technology in medicine: yesterday, today and tomorrow. Problems and development prospects».

3. Ибрагимова З.Ж. Хомидчонова Ш.Х. //ПОЧЕК В РЕГУЛИРОВАНИИ АРТЕРИАЛЬНОГО ДАВЛЕНИЯ ЛЕКТОРНОЕ НАУЧНО ПРАКТИЧЕСКОЕ ПЕРИОДИЧЕСКОЕ ИЗДАНИЕ «Экономика и социум» №2(93)-2 2022. 630-63 стр.

4. Шахзода Хасанзода //АНТИОКСИДАНТНАЯ АКТИВНОСТЬ ОТДЕЛЬНЫХ КОМПОНЕНТОВ БАД - Buyrak-shifo// Международный научный журнал «Научный импульс» № 4(100), часть 2. Ноябрь, 2022 стр 29-36.

5. S.H.Nomidchonova, N.A.Mahmudova //Bioecological and physiological-biochemical features of cassocks (Lemnaceae) in culture// Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. 10-11-2022. 27-31 pages.

6. Хомидчонова Шахзода Хасанзода //ДЕЙСТВИЕ АЛКАЛОИДОВ ВЫДЕЛЕННЫЕ ИЗ РАСТЕНИЙ ACONITUM TALASSICUM ИХ ВЛИНИЕ НА СОКРАТИТЕЛЬНУЮ АКТИВНОСТЬ НА ГЛАДКИХ МЫШЦ АОРТЫ КРЫСЫ// International Journal of Education, Social Science Humanities, FARS Publishers. Volume-11 | Issue-1 | 2023. 73-79 page

7. Хомидчонова Шахзода Хасанзода. (2023). БЕТА-ТАЛАССЕМИЯ МУАМОЛАРИНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(9), 348-356.

8. Khomidchonova Sh.Kh., Ibragimova Z.J., Olimov I.Kh. //INDICATORS OF CENTRAL HEMODYNAMICS, VENTILATION, OXIMETRY AND BLOOD FILLING OF THE BRAIN DURING INDUCTION OF ANESTHESIA WITH SEVOFLURANE IN CHILDREN// Journal of Pharmaceutical Negative Results. Volume 14. Regular Issue 02. 2023. 2749-2754

9. Umarkulov M.I., Mirzajonova S.A., Isroilova M.I. //The role of the liver in digestion. The process of fire formation// JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS. Volume – 6. Issue-8. Iyun 2022. 118-120 pages.

10. Mirzajonova S.A.I., Umarkulov M.I., Mamadaliyev B.B. //EFFECTS OF HEAVY METAL SALTS ON SOME IMPORTANT ORGANS// Journal of new century innovations. Vol. 6 No. 8 (2022). Iyun 2022. 125-128 pages.



11. Мирзажонова Сабохон Абджалиловна //ЗНАЧЕНИЕ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ НАУК В МЕДИЦИНЕ// SCIENCE AND INNOVATION. VOLUME 1. ISSUE 8. 161-164.

12. Abjalilovna , M. S. (2022). Amounts of Lead Salts Dispersion from Heavy Metal Salts. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 3(2), 120-124.

13. Mirzajonova Sabохон Abjalilovna //Amounts of Lead Salts Dispersion from Heavy Metal Salts// Central Asian Journal of Medical and Natural Science. Volume: 03. Issue: 02 | Mar-Apr 2022. 120-124

14. Маматкулова, М., & Рузибаева, Ё. (2023). РАННЯЯ ПРЕНАТАЛЬНАЯ ДИАГНОСТИКА И ПРОФИЛАКТИКА ВРОЖДЕННЫХ ПОРОКОВ РАЗВИТИЯ У ДЕТЕЙ. Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 3(6), 50-60.

15. Boltaboeva, D. (2023). EPIDEMIOLOGY OF DISEASES OF THE DIGESTIVE SYSTEM OF COVID-19 ASSOCULATED FOOD AND COMPUTED TOMOGRAPHY IN PATIENTS WITH COVID-19. Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 3(6), 121-127.